



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 14 сентябрь, № 181 (6616)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг улугъ сиёсатчиси, узокни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган буюк шахс сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонган эди. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва сиёсат арбоблари, фуқаролари у кишининг вафотини чуқур қайғу билан қабул қилди, халқимизга ҳамдard бўлди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи

Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйди ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтириди. Ислом Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов қадрдон дўсти бўлганини, бир-бирини ҳамиша яхши тушунгани ва қўллаб-қувватлаганини, биргаликда халқларимиз ўртасидаги алоқа-

ларни мустақамлаганини, Президентимиз Ўзбекистонда тинчлик ва фаровонликни таъминлаганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистонликларнинг барча авлодлари Ислом Каримовни ҳурмат билан ёдга олишига ишончим комил. Унинг улугъвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, асрлар давомида ўрганилади. Ўзбекистоннинг тикланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши унинг номи билан боғлиқ. Ислом Каримов

ўзбек халқини, Ўзбекистонни замонавий дунёга танитди. Биз ана шундай буюк инсондан айрилдик, — деди Қозоғистон Президенти.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдardлик изҳор этди. Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Мамлакатларимиз

ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар асосида тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга халқимизнинг буюк фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф меҳр-оқибат ва аҳиллик айёми — Қурбон ҳайити кунларида амалга оширилгани Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг муносабатлари, дўстлиги юксак даражада бўлганини намён этди. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничи-

лик ва ҳамкорликка асос бўлганини, бундай яқин муносабатлар бундан кейин ҳам изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, унинг иқтисодиёти ва сиёсатини белгилаб берган улугъ давлат арбоби, ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримов халқаро анжуманларда ҳар доим ҳал қилувчи ўрин тутганини, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаганини, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу алоқаларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниятисига етди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Алишер ИСРОИЛОВ
олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига хорижий мамлакатлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Икки муқаддас masjid ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи —
Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
ички ишлар вазири —
Муҳаммад бин Нойиф бин Абдулазиз Ол Сауд

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди
ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси раисининг
иккинчи ўринбосари, мудофаа вазири —
Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд

Ўмон Султони — **Қобус бин Саид**

Қувайт Давлати Амири —
Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти —
Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими —
Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондонини
ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди —
Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари
Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири —
Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён

Миср Араб Республикаси Президенти —
Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн ас-Сиси

Тунис Республикаси Президенти —
Муҳаммад ал-Божий Қоид ас-Сибсий

Туркия Республикаси Президенти —
Режеп Таййип Эрдоғон

Қозоғистон Республикаси Президенти —
Нурсултон Назарбоев

Тожикистон Республикаси Президенти —
Имомали Раҳмон

Қирғизистон Республикаси Президенти —
Алмaзбек Атамбоев

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти —
Абдул Ҳамид

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири —
Шайх Ҳасина Вазед

Афғонистон Ислом Республикаси ҳукумати
Ижроия кенгаши раиси — **Абдулла Абдулла**

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг
биринчи ўринбосари, армия генерали —
Абдул Рашид Дўстум
ўз табрикларини йўллаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик ифодаси

Мамлакатимизда Қурбон ҳайити кенг нишонланди. Меҳр-мурувват, оқибат, саховат каби халқимизда хос эзгу фазилатлар ифодаси бўлмиш ушбу айём дилларга сурур бахш этгани билан алоҳида қадридир. Байрам муносабати билан уюштирилган тадбирларда таъкидланганидек, истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий-диний қадриятлари қайта тикланди.

ШУКУҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ушбу муборак айём бу гал ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Юртимизнинг барча ҳудуди, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овулда байрамни муносиб кутиб олишга эзгу хос тараддул қўрилди. Аҳоли яшаш жойлари, кўчалар, хиёбонлар, масжидлар, муқаддас қадимжолар, қабристонлар ҳамда уларнинг атрофи тартибга келтирилди. Бундай хайрли амаллар халқимиз ўртасида меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик ришталала-

ри ҳамда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилади, албатта. Жумладан, Қурбон ҳайити арафасида Самарқанд вилоятидаги муқаддас қадимжолар, тарихий обидалар ҳамда бошқа зиёратгоҳ масканларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Айём кунини эса турли ҳудудлардан келган минглаб юртошларимиз Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиб, у кишининг ҳақиқа дуолар қилишди.

(Давоми 2-бетда).

Фидокорона меҳнатларини ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз

Мустақиллик ҳеч кимга қарам бўлмасдан, миллий манфаатларимиз, узок ва давомли мақсадларимизни кўзлаб яшаш ҳамда меҳнат қилиш имконини берди. Пировардида тарихан жуда қисқа даврда юқори натижаларга эришдик. Бундай юксалишлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган ўзига хос ва ноёб тараққиёт йўлимиз — “ўзбек модели” самаралари бўлиб, шу асосда олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоғи жадал суръатда ривожланаётир.

Ваҳолонки, яқин ўтмишда, аниқроғи, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охириларида Ўзбекистон кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, пахта якяхақимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қоқоқ аграр республика эди. Уша пайтларда етиштирилаётган пахтанинг ати-

ги 7 фоизи ўзимизда, қолган қисми эса бошқа давлатларда қайта ишланарди. Турган гапки асосий фойда пахта хом ашёсини қайта ишлаган мамлакатларга бориб тушарди.

Бугун-чи? Давлатимиз томонидан мазкур тизимни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли у мустақиллик йиллари-

да сифат жиҳатидан бутунлай юқори босқичга чиқди. Мазкур жараёнда, айтиш мумкинки, соҳага ички инвестициялардан ташқари, катта миқдордаги хорижий сармоялар жалб қилиниб, йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ШИЖОАТ, ҚАТЪИЯТ ВА ИРОДА НАМОЙИШИ



Рио-де-Жанейрода давом этаётган XV Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари қўлга киритган медаллар сони 23 тага етди.

Жанейрода қўлга кири-таётган улкан муваффақиятлари мисолида яққол қўриб турибмиз. Улар давлатимиз гамхўрлигидан баҳраманд бўлиб келаётган, яратиб берилаётган бекиёс шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз номини халқаро майдонда янада улғуллашга муносиб ҳисса қўишини энг олий мақсад, деб билган спортчиларимизнинг

Меҳр ва эътибор ҳар қандай инсонга кўтаринки рух бахш этиб, қалбда шижоат, қатъият ҳамда иродани мустақамлаши, юксак марралар сари дадил қадам ташлашга ундашини паралимпиячиларимизнинг Рио-де-

ёрқин вакиллари-дир. Нуфузли мусобақанинг биринчи кунидаёқ атлетларимиз оламшумул ютқмқа эришгани ҳақида хабар қилган эдик. Паралимпиячиларимиз бу билан чекланиб қолмай, спортимиз тарихига зарҳал ҳарфлар ила битиладиган галабали одимларини давом эттиришмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Жорий йилнинг ўтган олти ойида юртимиз хизмат кўрсатиш соҳасида

12,9

фоиз ўсиш
кузатилди.

2016 — 2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг ўзида минглаб сервис объектлари ташкил этилгани, соҳа вакиллари молиявий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани туфайли тизимда шундай ижобий натижага эришилди.

Меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугун эзгулик байрам, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили ўринбосари Зайниддин Эшонқулов. — Шу боис, ёшу қари бир-бирини самимий қўлаб, шундай дориламон кунларда, обод юртда, эмин-эркинликда бахтиёр яшаётганликларини мамнуният билан яна бир бор эътироф этдилар.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Қурбон ҳайити уюшқоқлик билан ўтказилди. — Меҳрибонлик, “Саховат”, “Мурувват” уйлари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатилди, — дейди Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиеъти қозиси Шамшатдин Бауатдинов. — Табарруқ масканлар, маҳалла ва кўчалар обод қилинди.

Андижонда ҳам Қурбон ҳайити муносиб кутиб олинди.

— Мамлакатимизда диний урф-одатлар, анъаналар, байрамлари нишонлаш учун барча шароит яратилган, — дейди меҳнат фахрийси Турсунбой Рустамов. — Бунинг учун давлатимиздан беҳад миннатдормиз. Ўз навбатида, Қурбон ҳайитининг кенг нишонланиши, унинг дам олиш куни деб эълон қилиниши қадриятимизга нисбатан юксак ҳурмат ифодаси эканлигини ёш авлодга ўқтирмоқдамиз.

Шу куни вилоятдаги мавжуд 95 та қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган фуқаролар ҳолидан хабар олинди.

Меҳр-оқибат, шукроналик, мурувват айёми Бухорода ҳам азалий анъаналаримизга мос тарзда ўтказилди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби табарруқ зотлар мангу қўним топган зиёратгоҳлардаги меъсидиларда ҳайит намози ўқилди, йиғилганлар мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, ҳақиқа дуолар қилишди, юртимизга тинчлик-омонлик тилашди.

Фидокорона меҳнатларини ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Барча ҳудудимиз қатори Хоразм вилоятининг ҳам мустақиллик йилларида ҳар томонлама тараққий топиши, турли соҳалардаги улкан янгиланишлар, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Хусусан, Урганч шаҳрида мисли кўрилмаган бунёдкорликлар амалга оширилди. Аҳоли учун янги турархойлар, хизмат кўрсатиш муассасалари, касб-хунар коллежлари, мактаблар бунёд этилди. Замонавий корхона ва ташиқлотлар фаолияти йўлга қўйилди. Яшаш шароитимиз юксалди. Қишлоқлар замонавий қиёфа касб этди.

Республикамиз тараққиётида жуда муҳим ўрин тутадиган аграр секторда мустақилликнинг дастлабки кунлариданок пухта ўйланган чўқур ислохотлар ўтказишга киришилди. Ўзоқ йиллар шу соҳада меҳнат қилиб келаётган, аввалги даврда амалга оширилган самарасиз қишлоқ хўжалиги сиёсатини кўрган мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Ислом Каримов раҳбарлигида рўёбга чиқарилган ана шу ислохотларнинг ижтимоий аҳамияти ниҳоятда беқиёс бўлди. Ҳаётга изчил жорий этилган фермерлик ҳаракати бугунга келиб қишлоқ хўжалигида асосий етакчи кучга айланди. Ерга, мулкка эгаллик ҳисси шаклланди. Деҳқончилик маданияти юксалмоқда.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари улушига тўғри келяпти. Тизимда амалга оширилган түб ислохотлар натижасида замонавий фермер хўжаликлари кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Қува, Фурқат туманлари ҳамда шаҳарлардаги қабристонларда ободончилик ишлари олиб борилди.

“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими томонидан айём кунида 57 нафар эътиборга муҳтож, якка-ёлғиз кекса ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар улашилди. “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ташаббуси билан 36 та хайрия тадбири ташкил этилди. Унда вилоятимизнинг 200 дан ортқ меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, “Мурувват”, “Саховат” уйлари вакиллари катнашди.

— Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қадимий урф-одатларимиз, эзгу қадриятларимиз, дину диёнатиимизни тиклаш, халқимизнинг олижаноб фазилатларини эъзозлашга катта эътибор қаратди, — дейди Фаргона вилояти бош имом-хатиби Турсунтоҳир Эрбўтаев. — Президентимизнинг 1991 йил 20 июндаги “Диний байрам “Қурбон ҳайит”ни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида”ги Фармони улкан жасорат, юксак ватанпарварлик намунаси бўлган. Бугун ҳам вилоятимиз аҳли диний амалларни эмин-эркин адо этди.

Халқимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлган муборак Қурбон ҳайити Жиззах вилоятида ҳам кенг нишонланди.

Айём муносабати билан “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоятдаги бошқарма ва ташкилотлар томонидан Меҳрибонлик, “Мурувват” ҳамда “Саховат” уйлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ижтимоий муҳофазага муҳтож кексалар, ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилалар хонадонларидан хабар олиниб, ўтганлар руҳини шод этиш каби хайрли ишлар амалга оширилди.

Сирдарё вилоятида ҳам эзгулик ва саховат, меҳр-оқибат байрами кенг нишонланди. Юртимиздаги тинчлик, бахтли ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтилиб, мамлакатимизнинг бун-

дан-да юксак тараққий этиши, халқимизнинг бунёдкорлик ишлари янада самарали бўлишини тилаб дуолар қилинди.

— Йигирма беш йилдирки, халқимиз Рамазон ва Қурбон ҳайитларини эмин-эркин байрам қилиб келмоқда, — дейди Ширин шаҳрилик меҳнат фахрийси Турдибой Бойиров. — Ваҳолонки, бир вақтлар бу айёмларни шунчалик кенг миқёсда нишонлашни орзу ҳам қилиб бўлмасди. Ана шу имкониятлар мустақиллик шарофати, юртимизда эътиқод эркинлиги таъминланганлигининг ҳаётий ифодасидир. Шундай экан, миллий-диний қадриятларимиз, илму маърифатимиз ривож топиб, халқимиз маънавияти тобора юксалаётган тинч ва фаровон ҳаётимизга қанча шукроналар айтсак арзийди.

Қурбон ҳайити тadbирлари Тошкент вилоятида ҳам халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда уюшқоқлик билан ўтди. Бу йилги тadbирлар аҳолининг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати янада ортиб бораётганлигини аққол кўрсатди.

Зангиота туманидаги “Чувалачи” қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган 110 ёшдан ошган Маҳбуба она Ҳамидованинг ҳолидан хабар олиш учун маҳалладошлари унинг хонадонига совға-саломлар билан кириб келишди. Улар таърифидан миннатдор бўлган онахон юртимизга тинчлик, халқимизга осойишталик, дастурхонимизга файзу барака тилаб дуо қилди.

Халқимизнинг азалий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналари Қурбон ҳайити муносабати билан Навоий вилоятида ўтказилган тadbирларда ҳам ўз аксини топди. Ҳудуддаги кўчалар ён-атрофи, қабристонлар, зиёратгоҳ масканлар янада обод қилинди.

Айём куни вилоятнинг туман ҳамда шаҳарларида бўлгани каби кўна Кармана туманидаги жоме масжидда ҳам ҳайит намози ўқилиб, ўтганлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақиға дуолар қилинди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Замонавий компьютер мониторлари

● **Жиззах**

Ўтган йили Зомин туманидаги собиқ машина трактор парки ўрнида фаолият бошлаган “Trust-Electronics” масъулияти чекланган жамиятида “Samsung” савдо бренди остида замонавий компьютер мониторлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир бу ерга ўрнатилган технологиялар йилига 30 миллиард сўмгача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Шу билан бирга, корхонада “ArteI” ва “Aitech” компаниялари бренди остида ҳам компьютер жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.

Толибжон ЭРҒАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт икки баробар ошади

● **Навоий**

Кармана туманидаги калава ип ишлаб чиқариш корхонаси Италия технологиялари билан жиҳозланган. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг қарийб 30 фоизи экспортга чиқарила бошланди.

Калава ип тайёрлаш учун зарур хом ашё — нитрон толаси маҳаллий ишбилармонлардан олинаётгани унинг таннархи арзон бўлишини таъминламоқда.

— Келгусида экспорт миқдорини икки баробар оширишни мўлжалляпмиз, — дейди корхона раҳбари А. Тиллаев. — Яқинда тижорат банкидан ажратилган 225 миллион сўмлик кредитни ана шу мақсад учун йўналтирдик.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўн түрт лойиҳа истиқболи

● **Тошкент вилояти**

Янгийўл туманидаги “Грант эко продукт” масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига эндиғина уч ой бўлди. Мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳамда қуритишга ихтисослаштирилган корхонада айна пайтда кунига 50 тоннагача маҳсулот қабул қилинмоқда. — Бу йил далаларимизда мўл ҳосил етиштирилди, — дейди корхона раҳбари Равшан Қаюмов. — Ҳозир қайта ишланаётган замин

неъматларининг бир қисмини экспортга чиқариш ҳаракатидамиз.

Пойтахт вилоятида жорий йил бошидан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган 13 та корхона фаолият бошлади. Йил охирига қадар яна 14 та лойиҳа амалга оширилгач, ҳудуд бўйича 150 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қуввати юзага келади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Изланиш меваси

● **Бухоро**

Вилоятда сутни қайта ишлаш корхоналари сони кўпайиши билан қадоклаш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошмоқда. Шуни ҳисобга олган Бухоро шаҳридаги “Elite packing solutions” масъулияти чекланган жамияти тadbиркорлари янги бизнес-режани рўёбга чиқарди.

— Лойиҳамиз 100 миллион сўм миқдоридаги банк кредити ҳисобидан молиялаштирилди, — дейди кичик бизнес субъекти раҳбари Отабек Жўраев. — Ушбу маблаққа 80 миллион сўмдан иборат сармоямизни қўшиб, зарур ускуналар харид қилдик. Ҳозир технологияларимиз ойига 500 грамм сигимли 1,5 миллион дона пластик идиш тайёрлаш қувватига эга. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларимиз дизайнини бюортмачилар танлашапти. Бу борадаги хизматлар эса бепул. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Жорий йилнинг дастлабки ярмида Бухоро шаҳрида саноат йўналишида 56 та лойиҳа амалга оширилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермер хўжалиги:

Имконият ва имтиёз

● **Самарқанд**

Иштихон туманидаги “Суюнов Жўра бобо” фермер хўжалиги — кўп тармоқли тadbиркорлик субъектларидан бири. Ҳозир бу ерда пахтачилик, галлачилик, чорва-чиликдан ташқари, ишлаб чиқариш тармоқларига ҳам асос солинмоқда. Хусусан, айна пайтда хўжалик қошида муқаймоқ тайёрлаш цехи ишлаб турибди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзги дам олиш мавсуми:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Болаларни ёзги дам олдирish ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг VI аънъавий Республика форуми ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбарлари, масъул ходимлари, ҳамкор ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

АНЖУМАН

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг етуқ ва баркамол шахс бўлиб улгайишига кўмаклашиш, юксак эътибор ҳамда рағбат кўрсатиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Утган йиллар давомида ёшларнинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кўплаб эзгу амаллар рўёбга чиқарилди. Бинобарин, болаларни ёзги дам олдирish ҳамда соғломлаштириш жараёни ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Жорий йилги мавсумда ўтган йилларда қўлланган янгича ёндашув тизими янада тақомиллаштирилди. Пировардида болаларни дам олдирish ва соғломлаштириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи, унинг таркибидagi ишчи гуруҳлар, шунингдек, худудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар томонидан жойларда мавсум намунали тарзда, ушқоқлик билан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Мавсум ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган Ўзбекистон

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРДАН 9 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини, Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 19-1, 4-2016, 10-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1836-2 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 31 августдаги 64, 31-сон «Ички ишлар органларининг муҳофазасида бўлган венерология стационарлари ҳақидаги низомии ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 341-1 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 31 августдаги 65, 32-сон «Венерик касаллар ва улар билан алоқада бўлган ҳамда ихтиёрий қўриқдан ўтиш ва даволанишдан бош тортиб келаятган шахсларни мажбурий даволаш ва қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 342-1 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 63-сон «Товар моддий буюкларини олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1245-2 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 64-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситаларни тасдиқлаш тўғрисидаги» буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1299-2 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 65-сон «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 475-1 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»ни янги тахирда тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1485-3 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисидаги» буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1595-1 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 68-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомининг мўқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1539-2 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 9 сентябрдаги 226-мх-сон «Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2280-2 (2016 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг муҳофазасида бўлган венерология стационарлари ҳақидаги низои (рўйхат рақами 341, 1997 йил 15 май).

Адлия вазирининг 2016 йил 9 сентябрдаги 218-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган Венерик касаллар ва улар билан алоқада бўлган ҳамда ихтиёрий қўриқдан ўтиш ва даволанишдан бош тортиб келаятган шахсларни мажбурий даволаш ва қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 342, 1997 йил 15 май).

Адлия вазирининг 2016 йил 9 сентябрдаги 219-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

МАРОҚЛИ ВА САМАРАЛИ

кўтарилди. Барча оромгоҳда кутубхоналар, тўғарақлар, спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилди. Чет тили тўғарақлари ташкил этилди. Истиклолнинг 25 йиллигига бағишлаб “Гўзал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган 15 мингдан зиёд маданий-маърифий тадбирлар, дав-



Республикасида болаларни дам олдирish ва соғломлаштириш концепциясига мувофиқ ташкил этилиши бу борадаги ишларнинг сифатини ошириш, оромгоҳлар фаолиятини кучайтириш имконини бериди, болаларни қамраб олиш қўламини кенгайтирди.

Амалга оширилган муҳим чора-тадбирлар тўғайли бугун оромгоҳлар нафақат жисмоний соғломлаштириш маскани, балки аини чоғда фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салохиятини ошириш марказлари даражасига

ра суҳбати ҳамда учрашувлар, концерт дастурлари, акциялар фарзандларимиз тафаккур оламини бойитишда аини муддао бўлди.

Форумда оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастур уларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш билан бирга, худудларда энг замонавий, жохон андозаларига мос янги масканлар барпо этилишига асос бўлгани кайд этилди. Ушбу дастур доирасида хар йили мамлакатимиз бўйича 50 га

яқин болалар оромгоҳларида қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилиб, янгилари барпо этилмокда. Хусусан, жорий йилда 4 та оромгоҳ қурилди, 35 тасида эса реконструкция ҳамда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Натижада жами ўринлар сони 450 тага кўпайди.

Бу йил республика миқёсида 1214 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи, шу жумладан, 211 стационар, 863 та кундузги, 140 та меҳнат ва дам олдирish оромгоҳи фаолият олиб борди. Уларда 303 минг 650 нафар бола соғломлаштирилди. Бу кўрсаткич режага нисбатан 104 фоизни ташкил этди.

Болалар қизиқишидан келиб чиқиб ихтисослаштирилган оромгоҳлар фаолияти кучайтирилиб, сони 242 тага етказилди.

Усмир ёшидаги ўғил-қизларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимликлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида барча худудда 140 та “Меҳнат ва дам олдирish” оромгоҳи фаолият кўрсатиб, уларга академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларининг 6 минг нафарга яқин ўқувчилари қамраб олинди.

Тадбирда эхтиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлгани айтилди. Хусусан, Оролбўйидан 4 минг 560 нафар ўғил-қиз пойтахтимиз, Жиззах,

Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда бепул дам олди. Касаба уюшмалари томонидан 44 минг нафардан ортик бола жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бепул ҳамда имтиёзли дам олиш ҳуқуқига эга бўлди. “Касаба уюшмалари — болаларга” акцияси доирасида Мехрибонлик уйларининг 2 минг 980 нафар тарбияланувчиси, жисмоний имконияти чекланган болаларга бепул йўлланмалар ажратилди. Шунингдек, 2 минг нафардан ортик она ва бола касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда “Она-бола” йўлланмаси орқали имтиёзли равишда ўз саломатлигини мустаҳкамлади. “Маҳалла” фонди ҳамкорлигида 700 нафар бола бепул дам олдирилди.

Форумда ёзги соғломлаштириш мавсуми яқунлари сарҳисоб қилиниши билан бирга, “Энг намунали болалар оромгоҳи” номинацияси яқунларига кўра, 27 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи ғолиб, деб эълон қилинди. 14 та номинация бўйича мавсумни ўтказишда фаоллик кўрсатган 84 нафар мутахассис ҳамда ҳамкорлар алоҳида тақдирланди. Уларга дипломлар, “Бахтиёр болалар мамлакати” статусэкаси ва касаба уюшмалари, вазирлик ҳамда идоралар эсдалик совғалари, шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар топширилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 14 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоризжий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	2262,19	1 Хитой юани	449,19	1 Швейцария франки	3087,31
1 Англия фунт стерлинги	3999,93	1 Россия рубли	46,12	1 Сингапур доллари	2209,96
1 Дания кронаси	452,72	1 Украина гривнаси	112,66	1 евро	3367,29
1 БАА дирхами	816,84	1 Малайзия рингити	731,41	1 Швеция кронаси	353,42
1 АҚШ доллари	3000,25	1 Польша злотийси	773,96	1 Кувайт динари	9956,03
1 Миср фунти	337,87	1 Норвегия кронаси	364,67	10 Жанубий Корея вони	26,97
1 Исландия кронаси	26,19	1 СДР	4201,79	10 Япония иенаси	294,81
1 Канада доллари	2299,39	1 Туркия лираси	1008,52	100 Ливан фунти	199,42

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЭЪЛОНЛАР



Ўзбекистон Республикаси

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

жисмоний шахслар учун миллий валютада мuddатли янги омонат турларини амалга киритганлигини маълум қилади:

Мустақиллик куни муносабати билан «Обод юрт»

- Омонатнинг сақланиш мuddати — 2 ой.
- Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугаганидан сўнг ҳисобланган фоизларнинг капитализациясисиз тўланади.
- Омонатга маблағлар, шу жумладан, қўшимча бадаллар фақат нақд пулда қабул қилинади.
- Омонатнинг минимал суммаси чекланмаган.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2016 йил 15 августдан 30 сентябрга қадар амалга оширилади.

Миллий банк ташкил этилганлигининг 25 йиллигига «NBU — 25»

- Омонатнинг сақланиш мuddати — 6 ой.
- Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар талаб қилиб олинмаган фоизларнинг капитализациясисиз ҳар ойда тўланади.
- Омонатга маблағлар, шу жумладан, қўшимча бадаллар нақд пул ва нақд пулсиз кўринишда қабул қилинади.
- Омонатнинг минимал суммаси чекланмаган.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2016 йил 15 августдан 15 октябрга қадар амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни (0-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган.

«AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 29 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги ускуналар ва автотранспорт воситаси такоран қўйилмокда:

1. Тошкент вилояти Қўбрай тумани «Зафаробод» (собиқ «Май») ҚФЙ худудида жойлашган, Қўбрай тумани СИБнинг 2016 йил 18 июлдаги 11176-сонли ижро иши бўйича хатланган, «Yutm parranda» МЧЖга тегишли, умумий ҳолати қониқарли, ишчи ҳолатда бўлган 53 дона ускуналар жамламаси.

Бошланғич баҳоси — 7 520 021 282 сўм.

2. Пискент тумани ИИБ ЙХҲБ жарима майдончасида сақланаётган, Пискент тумани СИБ томонидан 2013 йил 23 январдаги 702-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат рақами 10 R 830 BA, техник носоз бўлган, «BA3-2108» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 926 018 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур ускуналар жамламаси ҳамда автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар ускуналар жамламаси ҳамда автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Auto garant business» МЧЖнинг АТ «Asia alliance bank»нинг Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (0-371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

19/09/2016

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 29 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Қўбрай тумани СИБ томонидан 15117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, «Зафаробод» (собиқ «Май») ҚФЙ худудида (атрофи девор билан ўралган) жойлашган «Yutm parranda» МЧЖнинг 159 та бино-иншооти такоран қўйилмокда.

Бошланғич баҳоси — 85 550 261 227 сўм.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.

Хизматлар лицензияланган.

19/09/2016

Шинам ва кўркам

Наманган

Тўрақўрғон туманининг Исвахон, Кичик Қўрғонча ва Чуст кўприк маҳаллаларида намунавий лойиҳалар асосида 86 та тураржой биноси қурилиши ниятисига етказилди. Тўрақўрғон — Мингбулоқ автомобиль йўлининг икки тарафидagi ушбу иморатлар худуд чиройига чирой қўшди.

Буюртмачилар пишиқ гиштдан тикланаётган ўзига хос дизайндаги уйларнинг сифатидан мам-

нун. Хусусан, яқинда янги тураржойга кўчиб ўтган Жалолиддин Имомбердиев оиласи шаҳардагидан қолишмайдиган хонадонда барча қулайлик яратилганини эътироф этди.

Айни чоғда бу ерда қурилиш жараёни қизгин давом эттирилаяпти. Лойиҳада кўзда тутилган ишлар тугалланиши билан янги массивдаги замонавий тураржойлар сони 110 тага етади.

Кудратилла НАҲМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Даволаш мажмуасининг янги қиёфаси

Сирдарё

волаш мажмуаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Пировардида турли муолажалар ва жарроҳлик амалиётларини самарали ташкил этишга қўлай шарт-шароит яратилди. Шунингдек, тиббиёт маскани учун алоҳида артезиан кудуқ қазилиб, ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

— Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган ушбу бунёдкорлик ишларига 2 миллиард 342 миллион сўм миқдорига маблағ йўналтирилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Қўринбосари Фарҳод Минғобоев. — Шу билан бирга, мазкур сармоя ҳисобидан зарур жиҳозлар ҳам келтирилди. Қолаверса, аини чоғда муассасамизга “Саломатлик — 3” дастурига биноан рентген, УЗИ, ЭКГ каби замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатилмокда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мақсад — ижтимоий ҳимоя

Андижон

Олтинкўл, Избоскан, Жалақудуқ ва Марҳамат туманлари марказий шифохоналарида ижтимоий дорихоналар фаолияти йўлга қўйилди. Бу орқали аҳолини сифатли ҳамда арзон нархлардаги дори воситалари билан таъминлаш кўзда тутилган.

— Мазкур йўналишдаги ишларни ташкил этишда жорий йилда кучга кирган янги тахирдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти

тўғрисида”ги Қонун дас-туриламал бўлмокда, — дейди “Дори-дармон” акциядорлик компанияси раҳбари ўринбосари Абдулаҳад Аҳмаджонов. — Унинг ижроси доирасида республикамиз бўйича 129 та ижтимоий дорихонани ишга туширишни режалаштирганмиз. Қолаверса, бундай муассасаларда тиббиёт воситаларидан ташқари, табиий ўсимлик дамламалари ҳам сотилиши белгиланган.

Саминжон ХУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Талаб ва таклиф уйғунлиги

Хоразм

Урганч шаҳридаги “Чо-лиш трейдинг” хусусий

корхонасида янги турдаги қурилиш материаллари — фолгоизол ва полизол ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлаб рубероид тайёрлаш бўйича фаолият бошлаган кичик бизнес субъекти жамоаси ички бозор талабларини ҳисобга олиб, 150 миллион сўм сармоя эвазига навбатдаги лойиҳа ижросига киришди. Натижада бу ерда йилга қўшимча равишда 700 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди. Сифат ва самарадорлик ошди. Айни пайтда корхонада ойига ўртача 15 минг квадрат метр ҳажмдаги 100 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаяпти.

Жорий йилнинг ўтган олти ойда вилоятда биргина қурилиш саноатида 80 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШИЖОАТ, ҚАТЪИЯТ ВА ИРОДА НАМОЙИШИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, ўн метрдан тўппончада ўқ олти бахсларида қатнашган Сервер Ибрагимов 32 атлет орасида ўтказилган дастлабки саралашда ажойиб натижа кўрсатиб, финалга йўлланма олди. У хал қилувчи беллашууда 172,1 очко тўплаб, бронза медаль билан тақдирланди.

Риога тўлиқ таркиб билан борган дзюдочиларимизнинг маҳорати ҳам муҳлису мутахассислар эътиборини тортмоқда. Ушбу спорт тури бўйича вазни 73 килограммга бўлган полвонлар мусобақасида Феруз Саидов жазоирлик Меҳди Мискин, кубалик Херардо Родригесни енгиб, бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига навбатдаги бронза медални ҳам яна бир дзюдочимиз, хотин-қизлар ўртасида 63 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Турсунпошша Нурметова тақдим этди. Ҳамюртимиз швециялик Николина Пернхаймни мағлубиятга учратиб, совриндор бўлди.

Паралимпия ўйинларининг учинчи куни ҳам вакилларимиз учун омадли кечди. Хусусан, дзюдо бўйича вазни 100 килограммдан ортиқ

бўлган атлетлар ўртасидаги баҳсларда қатнашган Одил Тўлендибоев озарбайжонлик Илҳом Закиев, япониялик Кенто Масака, бразилиялик Вилианс Силва де Араухо соф галаба — «иппон» баҳоси билан енгиб, чемпионликка эришди. Қолаверса, ўз вазн тоифасида Шухрат

Бобоев ва Ширин Шарипов бронза медални қўлга киритди. Мазкур спорт тури бўйича хотин-қизлар беллашувида эса Хайитжон Олимова кумуш, Гулруҳ Раҳимова бронза медалга сазовор бўлди.

Шу тариқа дзюдо мусобақалари якунига етди. Қувонарлиси, Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси XV Паралимпия ўйинларида 3 та олтин, битта кумуш ва 6 та бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ушбу спорт тури бўйича 36 давлатдан 131 нафар атлет иштирок этгани, улар орасида 11 вакилимиздан нақд ўн нафари совриндор бўлгани, ҳақиқатан ҳам, тарихий воқеадир. Биздан кейинги ўринларни Хитой, Мексика, Украина, Жанубий Корея каби мамлакатлар эгаллади. Дзюдо ватани ҳисобланган Япония эса 12-погонани банд этди.

Сузиш мусобақалари ҳам

ўта ҳаяжонли ҳамда мурасиз курашларга бой тарзда ўтаётди. 200 метр масофага комплекс усулда сузишда Фотимахон Амилова 2 дақиқа 25 сония натижа билан кумуш, Шоҳсанам Тошпўлатова 2 дақиқа 27 сония натижа қайд этиб, бронза медалга эга чиқди.

Енгил атлетиканинг узунликка сакраш мусобақаларида Дониёр Солиев шоҳсултаннинг учинчи поғонасидан жой олди.

Паралимпия ўйинларининг тўртинчи кунида моҳир сузувчиларимиз Фирдавс Мусабеков ва Фотима Амилова терма жамоамиз ҳисобига яна иккита олтин медални туҳфа қилди. Фирдавс 100 метр масофага брасс усулида сузишда барча рақибини доғда қолдирди. Ушбу йўналишдаги хотин-қизлар баҳсида Фотима 1 дақиқа 12,45 сония натижа кўрсатиб, жаҳон рекордини янгилади ва

чемпионликка эришди. Дикқатга сазовор жиҳати, Фотимахон Амилова битта Паралимпия ўйинларининг ўзида ҳам бронза, ҳам кумуш, ҳам олтин медалга эга чиққан биринчи ўзбек атлети сифатида спортимиз тарихига кирди.

Куни кеча вакилларимиз делегациямиз ҳисобига яна иккита медални қўшиб қўйишди. Жумладан, пауэрлифтинг бўйича 80 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги спортчилар беллашувида қатнашган Ахрор Бозоров 207 килограмм оғирликдаги тошни ўзига бўйсундириб, бронза медаль соҳиби бўлди. 400 метрга эркин усулда сузишда Дмитрий Хорлин учинчи ўринни эгаллади.

XV Паралимпия ўйинларининг бешинчи куни якунига кўра, Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобида 6 олтин, 4 кумуш ва 13 бронза — жами 23 медаль бор.

Шавкат Ортиқов.



Ўзбекистонлик дзюдочилар медаль жамғариш бўйича XV Паралимпия ўйинларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Вакилларимиз иштироки жаҳон спорт жамоатчилиги нигоҳида

Юртдошларимизнинг XV Паралимпия ўйинларида қайд этаётган ажойиб натижалари йирик халқаро спорт ташкилотлари ва қўлаб хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилаётди.

Жумладан, дзюдо спорт турига оид маълумотларни ёритиб борадиган **JudoInside.com** сайти “Ўзбекистон ҳаммасига эришди: Паралимпия ўйинларида ажойиб натижалар” номли мақола чоп этди. “... Бу — ҳақиқатан эркин галаба. Ўзбекистон вакиллари дзюдода ўнта медални қўлга киритиб, барчанинг ҳайратига сабаб бўлди. Ўзбекистон аввалги Паралимпиада баҳсларида бирор-та ҳам олтин медалга эга чиқмаганини тасаввур қила оласизми?..”.

Шунингдек, мақолада тажрибали дзюдочимиз Одил Тўлендибоевнинг финалда меҳмон жамоа вакили Вилианс Силва де Араухо 2 сонияда соф галаба — «иппон» баҳоси билан мағлуб этиб, жаҳон спорт тарихига кирганига алоҳида урғу берил-

ган. Бинобарин, Хайитжон Олимова, Гулруҳ Раҳимова, Шухрат Бобоев, Ширин Шарипов каби дзюдочиларимизнинг натижалари ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган.

Халқаро паралимпия кўмитаси расмий сайти — **paralympic.org**да эълон қилинган “Ўзбекистон дзюдо бўйича медаллар жадвалида етакчи” сарлавҳали мақолада бразилиялик Вилианс Силва де Араухонинг сўзларидан иқтибос келтирилган: “Мен ушбу йирик турнирнинг финалга бор эътиборимни қаратган эдим. Бирок, фикримни бир жойга жамлаб олгунимча Тўлендибоев ҳаммасини ҳал этди”.

Мазкур сайт дзюдочиларимиздан ташқари, сузувчиларимиз натижаларига ҳам тўхталиб ўтган. Жумладан, “Ўзбекистон Паралимпия ўйинларининг сузиш баҳсларидаги илк олтин медални Риода қўлга киритди” сарлавҳали мақолада қуйдаги жумлалар бор: “Ўзбекистонлик икки сузувчи Рио-де-Жанейрода давом этаётган Паралимпия ўйинлари тарихидаги

дастлабки олтин медалга эришиш ва жаҳон рекордини янгилаш учун баҳсга киришди. Фотимахон Амилова аёллар ўртасида 100 метрга брасс усулида сузиш бўйича жаҳон рекордини янгилади...” Бундан ташқари, мазкур мақолада яна бир олтин медаль соҳиби Фирдавс Мусабеков ҳақида ҳам фикр юритилган: “Эркаклар ўртасидаги 100 метрга брасс усулида сузишда ғолиблик учун жиддий кураш кечди ва якунда ўзбекистонлик Фирдавс Мусабеков Паралимпия чемпиони украиналик Олексий Федина билан шоҳсултаннинг юқори поғонасини бўлишиб олди.

Эътиборли жиҳати, Мусабеков тўрт йиллиқнинг энг нуфузли мусобақасидаги дебют иштирокидаёқ олтин медалга сазовор бўлиб, Осиё рекордини янгилади.”

XV Паралимпия беллашувлари давом этмоқда. Спортчиларимизда бундан-да юксак натижаларни қайд этиш имконияти мавжуд.

Фозилдин АБИЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

қуйидаги лойиҳа/тадбирларни бажариш учун танлов эълон қилади.

- Ўсимлик ва ҳайвонот давлат кадастрининг географик ахборот базасини ташкил қилиш (бажариш муддати — 2016-2017 й.).
- Тоголди районларда жойлашган кўрикланадиган сув омборлари ҳамда рекреацион ҳудудлардаги сув ҳавзаларида барқарор экотизимни сақлаш ва таъминлаш методларини ишлаб чиқиш (Чорвоқ сув омбори мисолида, бажариш муддати — 2016 й.).
- Қорақалпоғистон Республикаси, Қоразм, Жиззах, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳудудларида жойлашган саноат ва маиший чиқиндиларни сақлаш ҳамда зарарсизлантириш жойларининг давлат кадастрини ташкил этиш (бажариш муддати — 2016 й.).
- Республикада чиқиндиларни қайта ишлаш, утиллаштириш ҳолатини ўрганиш ва уларни қайта ишлаш, утиллаштириш бўйича экологик ҳамда янада самарали иқтисодий комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш (ишлатилган автошиналар, полимер маҳсулотлар ва бошқалар, бажариш муддати — 2016 й.).
- «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонларни сақлаш ҳамда парвариш қилиш учун ихтисослаштирилган питомникни қуриш (бажариш муддати — 2016 й.).
- Балиқ етиштиришда интенсив технологияларни жорий қилиш йўли билан балиқчиликда маҳсулдорликни ошириш бўйича комплекс ишлар олиб бориш, балиқ етиштиришни ва сув ҳавзаларини баликлантиришни ривожлантириш (форелни кўпайтирувчи инкубацион цехни ташкил этиш, бажариш муддати — 2016 й.).
- Бухоро вилоятида кўкаламзорлаштирилган пона ташкил қилиш (бажариш муддати — 2016 й.).
- Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотлар базасининг яхлит тизимини ташкил қилиш (бажариш муддати — 2016 й.).

Хужжатлар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун муддат ичида Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси, 2-«А» уйда ёки (+99871) 236-03-84 рақамли факс ҳамда fond@uznature.uz электрон почта орқали қабул қилинади.

Муддатдан кейин келиб тушган таклифлар қўриб чиқилмайди.

1336A/003

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф етаети.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимён» КФЙда жойлашган, умумий ер майдони 881,0 кв. м., қурилиш ости майдони 295,5 кв. м.дан иборат бўлган дала-ҳовли биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 434 408 394 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 17 октябр кунни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2016 йил 14 октябр кунни соат 16.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувиға асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Мировод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,

Махмуд Таробий кўчаси, 31-уй.

Телефон: (0-371) 254-69-13.

Хизматлар лицензияланган.

1336A/001

ЭЪЛОНЛАР

«Universal realtor» МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очик аукцион савдосига таклиф етаети.

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 29 октябрдаги 23-0705-11318-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Таза жол» ОФЙда жойлашган, 1978 йилда қурилган, 1, 2, 3-сонли молхона бинолари.

Бошланғич баҳоси — 157 451 322 сўм.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 23 июлдаги 23-0702-6256-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Кенес» ОФЙда жойлашган:

* 1972 йилда қурилган устакхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 43 722 434 сўм.

* 1972 йилда қурилган дала шийпони.

Бошланғич баҳоси — 1 815 038 сўм.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2008 йил 28 июлдаги 23-0803/5225-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Камыс арык» ОФЙда жойлашган:

* 1989 йилда қурилган 1-омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 26 372 211 сўм.

* 1989 йилда қурилган кимё омборхонаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 24 612 570 сўм.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2008 йил 26 майдаги 23-0807/2281-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Бахытлы» ОФЙда жойлашган, 1980 йилда қурилган устакхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 64 654 902 сўм.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 13 августдаги 23-0703/6903-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Кызыл озе́к» ОФЙда жойлашган, 1970 йилда қурилган маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 10 494 385 сўм.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2008 йил 28 июлдаги 23-0803/5226-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Бахытлы» ОФЙда жойлашган, 1983 йилда қурилган устакхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 33 945 498 сўм.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 14 июлдаги 23-0803/4236-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Тагжап» ОФЙда жойлашган, 1983 йилда қурилган устакхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 28 604 191 сўм.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 23-1101/7249-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Костерек» ОФЙда жойлашган, 1978 йилда қурилган 37-сонли дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси — 93 436 764 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 30 сентябрь кунни соат 15.00 да Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уйда ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 29 сентябрь кунни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204975228007, МФО: 00585, СТИР: 302269399.

Қўшимча маълумот олиш манзили:
Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй,
2-қават, 9-хона.
Тел./факс: (+99861) 222-11-73. www.realtor.uz
Электрон почта: universal.realtor@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

1331A/009

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6